УЎТ: 635.52,631.58

LACTUCA SATIVA VAR. CAPITATA L.ТУРИГА МАНСУБ БОШ САЛАТ НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

Жамшид Шералиев, қ.х.ф.ф.д.,
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти

Received: 16.10.2025
Revised: 17.10.2025
Accepted: 18.10.2025

Калит сўзлар:
Бош салат, барглар сони, барг узунлиги, барг эни

Аннотация. Мақолада бош салат экини дунё бўйича этиштириши, унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўрганганлиги ҳақида, ҳамда муҳим хўжалик белгилари ҳақида маълумотлар берилган.

Ключевые слова:
Кочанный салат, количество листьев, длина листа, ширина листа.

Аннотация. В статье представлена информация о выращивании салата в мире, его значении в народном хозяйстве, его изучении и важных экономических характеристиках.

Keywords:
Head lettuce, number of leaves, leaf length, leaf width.

Annotation The article provides information about the cultivation of lettuce in the world, its importance in the national economy, its study and important economic characteristics

Кириш. Салатнинг (Lactuca sativa L.) ботаник тури Астрадошлар (Asteraceae) (Мураккабгулдошлар) оиласига мансубдир.

Унинг Lactuca sativa L. тури қуйидаги тур ичидиги турларга бўлинади: Lactuca sativa var. acephala — яхлит барги навлар; Lactuca sativa var. capitata — турли кўринишдаги (барглари ёғли қатламга эга) бош салат навлар; Lactuca sativa var. capitata — қарсилдоқ барги, турли кўринишдаги бош салат навлари (айс-салат); Lactuca sativa var. romana (Ромэн салати –рим салати) — бош салат, чўзинчоқ-юмалоқ баргли бош салат, яримбошли шакллари хам учрайди; Lactuca sativa var. Angustana (спаржа салати - уйсун).

Ушбу салатлари ичида бош салат - Lactuca sativa var. capitata инсон саломатлигида ва қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ахамиятга эга. Ўзбекистонда бош салат етиштириш ишлари бошланганига кўп бўлгани йўқ. Бугунги кунда республикамизда бош салат етиштирилаётган қўлланилаётган агротехнологиялар тўлиқ илмий асосланманган бўлиб, бу борада тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида охирги йилларда халқимиз учун ноанъанавий янги сабзавот экинлари интродукция қилишга эришилди ҳамда уларни етиштириш технологиялари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Биз томонимиздан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент тажриба участкаси 2020 йилдан бош салат (Lactuca sativa var capitita) етиштиришга мос нав ва дурагайларини танлаш хамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларини бошладик.

Тадқиқот натижалари тажрибаларда бош салат нав Ўзбекистон Республикаси худудида экишга рухсат этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган Крупнокочанний ва бошқа хориж давлатлардан келтирилган жами 13 дан ортиқ нав наъмуналари хизмат қилади.

Бунда Россия давлатидан (Грейт лайкс 659, Айс квин, Русский богатырь, Алабама, Патриций,), Кореа давлатидан (Salad Express F_1) Испания давлатидан (Барселона F_1, Мадрид F_1) ва Израил давлатидан (Робинзон F_1) келтирилган нав ва дурагайлар экиб ўрганилмоқда.

Олиб борилган тадиқотлар таҳлили ва дастлабки натижалар аниқлаш бўйича бош салатнинг нав намуналарининг ўрганиш жараёнида уларнинг энг муҳим морфобиологик белгилари баҳоланди ва гуруҳларга ажратилди.

Ўсимликнинг баландлиги, барг узунлиги барг эни, барглар сони, бош карам вазнини аниқлаш бўйича ўлчаш ишлар амалга оширилди.

2020-2022 йиллар давомида бош салатнинг эртаги, баҳор мавсумдаги кузатувлар натижасида нав ва дурагайлари намуналарининг қимматли хўжалик белгилар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди.

Бош салат барг узунлиги бўйича Крупнокочанный назорат навида 21,8 см натижа қайд этилган бўлса унга нисбат юқори натижа Русский богатырь (22,2 см), Express F1 (22,8 см), Исеберг леттисе (22,0 см) нав ва дурагйларда қайд этилди. Назоратга тенг ва нисбатан паст натижа ўраганилаган 11 та нав намуналарда қайд этилиб 21,8-18,4 см оралиғида бўлди.

1-жадвал.

Бош салат нав намуналарининг қимматли хўжалик белгилари

	Нав	Ҳосилни йиғишдан олдин

№	намуналари	Барг узунлиги см	Барг эни см	Барглар сони	Карам бош вазни, г
1	Крупнокочанний–st	23,1	22,1	13,2	492,3
2	Грейт лайкс 659	18,1	19,4	11,1	221,6
3	Патриций	23,5	21,7	15,3	570,0
4	Русский богатырь	22,9	19,9	12,1	391,6
5	Салат айсберг	22,4	21,1	12,5	381,6
6	Колобок	22,8	21,8	12,8	453,6
7	Русский размер	23,4	22,7	15,5	574,6
8	Айс квин	21,7	19,9	13,0	310,3
9	Алабама	21,9	21,1	13,1	471,6
10	Барселона F_1 –st	24,9	24,1	15,9	615,0
11	Salad Express F_1	23,7	23,2	15,7	583,3
12	Робинзон F_1	26,9	25,8	18,4	729,3
13	Мадрид F_1	27,9	27,3	18,6	732,3

Барг эни бўйича бўйича кўрасткич назорат Крупнокочанный назорат навида 22,8 см натижа қайд этилган бўлса, назоратга нисбатан юқори натижа бошқа навларда кузатилмади. Ўрганилган нав ва дурагайларда барга эни 22,8-19,2 см оралиғида бўлиб, навлар орасида катта тафовут натижаси қайд этилмади.

Бош салат карам боши вазни таҳилили бўйича, назорат Крупнокочанный назорат нави 300 г вазн кўрсаткичи аниқланган бўлса, унга нисбатан энг юқори натижа 470-650 грам вазн оралиғида Жеилсеед, Русский богатырь, Батавия, Рада, Express F1, Патирций, Исеберг леттисе, Абурам, Айс Квин нав ва дурагайларида эгали аниқланди.

Ўрганилган нав дурагайлар ичида бош салат карам боши вазни энг паст кўрсаткич Грейт лайкс 659 навида 189 грам, Берлинский желтый навида 200 грам вазн таҳлиллар давомида аниқланди.

2-жадвал

№	Нав намуналари	Ҳосилни йиғишдан олдин			
		Ўсимлик баландлиги см	Бир тупдаги барглар вазни, г	Илдиз вазни, г	Бош ва илдиз орасидаги масофа см
1	Крупнокочанний–st	12,8	195,4	20,6	3,8

2	Грейт лайкс 659	10,2	170,5	18,6	3,0
3	Патриций	13,1	214,1	22,4	4,1
4	Русский богатырь	11,5	189,0	19,6	3,5
5	Салат айсберг	11,8	190,0	19,4	3,4
6	Колобок	12,1	190,0	19,7	3,4
7	Русский размер	13,3	214,8	22,6	4,3
8	Айс квин	12,1	189,0	18,4	3,2
9	Алабама	11,2	190,4	17,2	3,5
10	Барселона F_1 –st	14,2	220,6	23,4	4,5
11	Salad Express F_1	15,1	206,2	21,4	4,4
12	Робинзон F_1	14,4	243,2	25,7	4,9
13	Мадрид F_1	14,8	245,7	25,9	5,0

Хосилни йиғишдан олдин бош салат ўсимлик баландлиги назорат Крупнокочанный навида 25,0 см ташкил этди ва назоратга нисбатан юқори кўрсаткичга ега Сезон (25,7см), Айс Квин (26,0 см), Русский богатырь (27,9 см), Батавия (28,8 см), Express F1 (27,8 см), Патирций (29,0 см), Исеберг леттисе (27,0 см), нав ва дурагайлар аниқланди.ва назорат навга нисабатан паст кўрсаткичга ега булган Грейт Лайкс 659 (18,6 см), Берлинский желтый (18,3 см), Албама (22,4 см), Рада (24,4 см), Абурам (24,8 см) нав ва дурагайларда аниқланди,назоратга тенг кўрсаткични Чудо 4-х сезон дурагайи булди.

Бир тупдаги барглар вазни буйича Крупнокочанный назорат навида 180,0 г ташкил этди, бунга нисабатан юқори ва тенг кўрсаткич ега Чудо 4-х сезон (190,0 г), Айс Квин (200,0 г), Русский богатырь (190,0 г), Батавия (210,0 г) Патирций (210,0 г), Жеилсеед (190,0 г), Express F1 (180,0 г), еканлиги аниқланди, ва назорат навига нисабатан паст кўрсаткичларга Грейт Лайкс 659, Сезон, Берлинский желтый, Албама, Рада, Абурам нав ва дурагайлар еканлиги аниқланди.

Бош салатнинг илдиз вазни назорат навида 17,4 г ташкил етди, бунда назорат навига нисабатан енг юқори кўрсаткичларга ега булган Батавия (20,7 г), Express F1 (20,9 г), Патирций (21,0 г), нав ва дурагайлари аниқланди. Назорат нисабатан паст ва 2-3 г, оралиғида юқори кўрсаткичлар ега булган, Грейт Лайкс 659 (15,8 г), Сезон (17,2г), Берлинский желтый (14,9 г), Чудо 4-х сезон (17,6 г), Айс Квин (18,0 г), Албама (17,6 г), Рада (16,2 г), Жеилсеед (18,5 г), Исеберг леттисе (16,9 г), Абурам (17,2 г) нав ва дурагайларда еканлиги аниқланди.

Ўсимликнинг бош ва илдиз орасидаги масофа назорат навида 3,5 см булди бунга нисбатан юқори кўрсаткич Айс Квин (4,0 см), Батавия (4,0 см), Рада (4,5 см), Патирций (4,0 см) нав ва дурагайларда аниқланди. Назорат

нисбатан 2-3 см, оралиғида паст ва юқори кўрсаткич Грейт Лайкс 659, Сезон, Берлинский желтый, Чудо 4-х сезон, Русский богатырь, Албама, Express F1, Жеилсеед, Исеберг леттисе, Абурам нав ва дурагайларда ташкил етди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Салатбарг етиштириш. 20-китоб. Тузувчилар Ш.Р.Арипова. 2021 йил.Тошкент ш.

2. Каталог районированых сортов с/х культур. 1986

3. Р.А.Камарова – Растирение ассортимента зеленных культур в совхозах Ленинградской области, биол. ВИР в, 10/А, 1980, с 50 – 52.

4. П.Ф.Кононков, Р.А.Камарова – Салат, в ки зеленных овошные культуры. Москва – 1975 г.

5. Гиренко М.М., Муханова Ю.И. Цели и методы селекции зеленых и пряновкусовых овощных культур.//Бюл. ВИР.- Вып. 148.- Л.- 1985.- 17-19 с.

6. Wang Youbao, Huang Wei, Liu Dengyi Yingyong shengtai xuebao N 1, 2005, т.16, стр.189-192 :Содержание нитритов в обычных овощах в городе Вуху

7. Международная научно-практическая конференция "Селекция и семеноводство овощных культур в XXI веке", Москва, 24-27 июля, 2000, 2000, стр.336-337,422

8. Bul. Univ. Esti. agr. Esi med. vet., Cluj-Napoca. Ser. Hort., 2004, т.61, стр.471

9. Бунин, М.С. Новые овощные культуры России [Текст] / М.С. Бунин. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2002. – С. 21-48

10. Боголепов, Г.Г. Продуктивность шпината при различных сроках посева в открытом грунте [Текст] / Г.Г. Боголепов// Проблемы научного обеспечения овощеводства Юга России: материалы Международной научнопрактической конференции. – Краснодар: Издательство «ЭДВИ», 2004. – С. 38-42.